Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
2-iyul,
shanba
№ 79
(3740)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ҚАРОРИ**

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, миллий-диний анъаналаримизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2016 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 6 июл чоршанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини эътиборга олиб, 2016 йил 6 июл дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтказиш учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 июл

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз истиқлолининг 25 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:*

1. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой муддатда «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д.Назармухамедов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 июл

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 июлдаги ПФ-4807-сонли Фармонига 1-илова*

### «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

↘(2).

# Кенг кўламли ислоҳотлар — элу юртимиз фаровонлигининг асосий омилидир

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 30 июн куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.**

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида бўлгани сингари Сурхон воҳасида ҳам улкан янгиланиш ва ўзгаришлар рўй берди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси юксалиб бораётир. Бир пайтлар фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланган воҳада бугун саноатнинг бир неча тури изчил ривожланаётир. Замонавий илғор технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ишга туширилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққий этмоқда.

Бундай улкан ўзгариш ва янгиланишларни вилоятда эришилаётган ютуқлар мисолида яққол кўриш мумкин. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 8,4 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 7,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,4, қурилиш-пудрат ишлари 11,5 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиши натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 57,4 фоизга етди. Хусусий секторда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, соҳага кўплаб имтиёз ва преференциялар берилаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланишини таъминламоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида вилоятда беш юзга яқин кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Тижорат банклари томонидан хусусий секторга 180 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамигача 241 янги лойиҳани фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Термиз туманидаги «Жануб қуёши» масъулияти чекланган жамиятида 4,2 миллиард сўмлик инвестициялар ҳисобига йилига 1,2 минг тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш орқали қуруқ сут, пишлоқ, бринза ва йогурт ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётган бўлса, «Gold Dried Fruits» корхонасида уч миллион долларлик инвестициялар ҳисобига 30 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш ва замонавий омборхона лойиҳаси ишга туширилади.

Ислом Каримов вилоятга сафарини Термиз шаҳрида миллий ва замонавий меъморлик услублари асосида барпо этилган Хотира майдони билан танишишдан бошлади.



Президентимизнинг 2015 йил 22 майдаги «2015 — 2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида бунёд этилган майдонда ўтганларни хотирлаш, ёши улуғ инсонларни эъзозлаб, ҳурмат бажо келтириш учун барча шарт-шароит яратилган. Мазкур майдон икки гектарни эгаллаган. Бу ерда Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган. Турли манзарали дарахт ва анвойи гуллар билан бурканган майдонда замонавий архитектура ва меъморлик анъаналарини мужассам этган кенг айвон барпо этилиб, алюминийдан тайёрланган махсус китоблар ўрнатилган. Ушбу китобларга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган сурхондарёликларнинг исм-фамилияси зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

Давлатимиз раҳбари мазкур майдоннинг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди.

Бундай муқаддас масканларни кўпайтириш, асраб-авайлаш борасида амалга ошираётган ишларимиз аждодларимиз хотирасига чексиз эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир, деди Ислом Каримов. Бугунги тинч, осойишта ҳаётимиз йўлида жонини қурбон қилган ота-боболаримиз билан ғурурланиш, уларнинг муборак номларини доимо ёдда тутиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Юртбошимиз ушбу майдонни янада обод, кўркам ва файзли қилиш учун маҳаллий иқлим шароитига мос ранг-баранг дарахтлар, анвойи гулларни кўпроқ экиш зарурлигини алоҳида қайд этди. Вилоятда лола дарахтини кўпайтириш учун замонавий питомник ташкил этиш юзасидан тавсиялар берди. Бундай ноёб дарахтлар ҳавони тозалаб, мўътадил ҳароратни сақлашини алоҳида таъкидлади.

— Анвойи гуллар ва ранг-баранг дарахтларга бурканган бу майдонни ёшу кекса зиёрат қилмоқда, аждодларимиз руҳига эҳтиром кўрсатиладиган ва турли тадбирлар ўтказиладиган обод гўшага айланди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Орзиқул Соатов. — Бугунги тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, шукрона келтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда бу масканнинг тарбиявий аҳамияти ғоят муҳимдир.

Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг муносиб турмуш кечириши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқаришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Термиз шаҳрида бунёд этилаётган муҳташам санъат саройи ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Қурилиш ишларини бугунги замон талабларига мос ҳолда олиб бориш керак. Бу жараёнда аввало лойиҳани пухта ишлаш, салоҳиятли пудратчи ташкилотларни танлаш, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш даркор. Энг муҳими, бундай салобатли иншоотларга замонавий қурилиш материалларини ишлатиш, дизайни мослигига алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Биз қураётган бундай бинолардан наинки бугунги, балки келгуси авлодлар ҳам завқ олсин, асрлар давомида эслаб, ўзгача ғурур билан яшасин, деди Ислом Каримов.

Бугунги кунда вилоятда 12 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Жорий йилда воҳа фермерлари 98 минг гектар майдонда бошоқли дон етиштириб, шартномавий режани ортиғи билан бажарди. Ҳозиргача ғаллакорлар ҳосилдорликни гектарига 54 центнерга етказди. Пахта майдонларида ҳам барча агротехник тадбирлар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқасида мўл-кўл мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Маҳаллий бозордан ортиқ қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида вилоят соҳибкорлари 27,3 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилди.

Давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги «Янгиариқ пахтакори» фермер хўжалиги даласида бўлиб, вилоят фаоллари ва фермерлари билан суҳбатлашди.

Президентимиз учрашувда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари парваришида замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, истиқболли навларни экиб, ҳосилдорликни янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кучайиб бораётган бир пайтда мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича ўз таклифларини билдирди.

Сурхондарё замини учун бу йил жуда омадли келди, деди Президентимиз. Бу омад вилоят фермер ва деҳқонларининг 670 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажаргани, турли соҳаларда улкан марраларни забт этаётгани, мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига муносиб туҳфалар тайёрлаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Мазкур фермер хўжалиги аъзолари 23,5 гектар майдонда ғалла экиб, мўл ҳосил тўплади. Тажрибали фермер Ибодулла Давлатов шартномавий режани ортиғи билан бажарди.

— Фермерлик ҳаракати обод ва фаровон ҳаётимизнинг бош омилига айланди, — дейди «Янгиариқ пахтакори» фермер хўжалиги раҳбари Ибодулла Давлатов. — Буни ҳаётимиз тубдан ўзгариб, фаровон турмуш кечираётганимиздан яққол ҳис этмоқдамиз. Уй-жой қураяпмиз, машина олаяпмиз, фарзандларимизнинг орзу-ҳавасини кўраяпмиз. Бундай эътибордан руҳланиб, далага меҳр қўйиб меҳнат қилаяпмиз. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга интилаяпмиз. Масалан, ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаб, такрорий экин экдик. Бу йилги ерёнғоқ ва мошнинг маълум қисмини хорижга экспорт қилиш учун шартнома туздик. Биз, сурхондарёлик деҳқонлар учун етиштирган озиқ-овқат маҳсулотларимизнинг бир қисмини Фарғона водийси аҳолисига арзон, қулай транспорт орқали етказиш муаммо бўлиб келган. Куни кеча Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилиши билан бу муаммо барҳам топди, биз учун янги имкониятлар яратилди. Бундай бетимсол, тарихий иншоотлар қурилишининг ташаббускори ва раҳнамоси бўлган Президентимиздан чексиз миннатдормиз.

Хўжалик далаларида бошоқли дон ўрим-йиғими билан бирга ғўзага ишлов бериш ҳам қизғин давом этмоқда. Ғўза ниҳоллари икки марта озиқлантирилиб, суғорилди. Барча дала юмушлари агротехник тадбирлар асосида олиб борилмоқда.

↘(2).

Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси

# Эътибор ва эътироф

## ёшларни изланишлар сари етакламоқда

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, шунингдек, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатининг изчил амалга оширилишида касаба уюшма ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш, ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ташкил этилаётир.**

Танловнинг **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** ҳудудий босқичи ёшлар орасида иқтидор эгалари кўплигини яна бир бор тасдиқлади. Нукус шаҳрида бўлиб ўтган тантанада танловнинг қуйи босқичларида иштирок этган 400 нафардан зиёд ёшлардан энг фаоллари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Тадбирнинг очилишида Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси У.Жалменов, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Р.Бедилов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлома қўллаб-қувватлаш, уларни маънан етук, жисмонан соғлом ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Натижаларга кўра, Г.Ўралбаева «Энг фаол ёш банк ходими», Б.Алиев «Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими», Г.Науризбаева «Энг фаол ёш спорт мураббийи», Ҳ.Алламберганов «Энг фаол ёш олим», Б.Жумабаев «Энг фаол ёш шифокор» ва Т.Пахратдинов «Энг фаол ёш транспортчи» деб топилди.

Тадбир қатнашчиларига санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

***

**АНДИЖОН** шаҳрида ҳам «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Сўз олганлар халқимиз истиқболи, эртанги кунимиз пойдевори кўп жиҳатдан бугунги навқирон авлодга муносабат, ёшларнинг ўз истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариши учун яратилаётган имкониятлар билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Тадбирда амалга оширилаётган ишларга оид видеоролик намойиши йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Танлов қатнашчилари ижобий натижаларга эришаётганлиги, хусусан, илм-фан ва амалий фаолиятга янгилик олиб киришга интилаётганликлари эътирофга сазовор. Масалан, Иброҳимжон Раҳимов жорий йил бошида Андижон туманида «Бехатар сафар» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, аҳолига йўналишсиз такси хизмати кўрсатишни йўлга қўйди. Тўрт нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлади. Ҳозир МЧЖга аъзо автомобиллар сони 30 тадан ортди. Таксиларга биринчилардан бўлиб савдо терминали ўрнатилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар мутахассислар томонидан эътироф этилиб, у «Энг фаол ёш транспортчи» йўналиши бўйича республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

↘(3).

# Эътибор ва эътироф

## ёшларни изланишлар сари етакламоқда



Танловнинг 1-босқичи 500 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилиб, унда 2000 минг нафардан зиёд, 2-босқичга 578 нафар, 3-вилоят босқичига 80 нафар ёш мутахассис қатнашди.

Тақдирлаш маросимида бирлашма кенгаши раиси З.Маҳкамова, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ў.Турғунов иштирок этди.

Эътироф ҳеч қачон ўз-ўзидан бўлмайди. Мана, масалан, «Энг фаол ёш спорт мураббийи» номинацияси ғолиби Муҳаммадсиддиқ Абдумуталов эндигина 20 ёшга қадам қўйиётган бўлишига қарамай, шотокан каратэ-до бўйича бир неча карра мамлакат ва жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон» кўкрак белгиси совриндори. Шогирдлари ҳам устози сингари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида бир неча бор юртимиз байроғини халқаро ареналарда юқори кўтаришга эришган.

Тадбирда 5 та номинация бўйича 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган 16 нафар ғолиб тақдирланди.

Тадбир якунида иштирокчиларга концерт дастури намойиш этилди.

***

**ФАРҒОНА вилоят** касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Кимёгар» маданият саройида танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлган иштирокчиларни тақдирлашга бағишланган тадбир юқори савияда ташкил этилди. Бирлашма кенгаши раиси Тўйчибой Саримсоқов ғолибларни муваффақият билан қутлаб, янгидан-янги марраларни эгаллашда омад тилади.

Хулосага кўра, «Энг фаол ёш олим» йўналишида Фарғона давлат университети француз ва немис тиллари кафедраси ўқитувчиси Азиз Ахтамов, «Энг фаол ёш спорт мураббийи» йўналишида Риштон туманидаги БЎСМ мураббийи Бобир Тўхтасинов, «Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими» йўналишида «Қўқон ёғ-мой» АЖ ахборот технологиялари бўлими бошлиғи Мақсуджон Қосимов, «Энг фаол ёш шифокор» йўналишида Фарғона 2-офтальмологик шифохонаси шифокори Шерзод Холбеков, «Энг фаол ёш транспортчи» йўналишида Фарғона транспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Миржалол Қосимовлар ғолиб деб топилди.

Вилоятнинг таниқли санъаткорлари, «Садо» доирачилар гуруҳи, шунингдек, «ASR» ва «Samira» рақс дасталарининг чиқишлари иштирокчиларга кўтаринки руҳ бағишлади.

***

**СИРДАРЁ вилоят** касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, ўзи танлаган касбга нисбатан ҳурмат ва фахр туйғусини шакллантириш, иқтидорли ёш мутахассисларнинг билим даражасини аниқлаш ва улар орасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш орқали ёшлар бандлигини таъминлаш танловнинг асосий мақсади эканлиги таъкидланди.

Бирлашма кенгаши раиси Камолиддин Оқбўтаев танловнинг қуйи босқичида 1000 нафардан зиёд ёш мутахассис маҳорати баҳоланганлиги вилоятда танлов нуфузи ортиб бораётганлигидан далолат эканлигини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг «Энг фаол ёш олим», «Энг фаол ёш банк ходими», «Энг фаол ёш озиқ — овқат саноати ходими», «Энг фаол ёш транспортчи», «Энг фаол ёш спорт мураббийи», «Энг фаол ёш шифокор» каби номинациялар бўйича ғолиблар тақдирланди.

— Турли танловларда қатнашганман. Бироқ бугунги тадбир ва вилоятда «Энг фаол ёш банк ходими» дея эътироф этилганим мени ўзгача ҳаяжонга солди, — дейди номинация ғолиби , «Агробанк» АТБ вилоят бошқармаси ҳудудий филиали шўъба мудири Бобур Шойимқулов.

Тадбирда ватанпарварлик мавзусида янграган қўшиқлар қалбларни жунбушга солди.

***

Эътироф этиш жоизки, **САМАРҚАНД вилояти**да ёш мутахассислар ўртасида мазкур танловга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Негаки, бу йил иштирокчилар сони бир неча баробарга кўпайди. Айниқса, эндигина катта ҳаётга йўл олган ёш мутахассислар иш ўрганувчи малакасиз ходим эмас, балки соҳа ҳақида чуқур тушунчага эга, муайян янгилик олиб киришга, соҳани кўтаришга қодир шахс бўлиб шаклланганлиги диққатга сазовор.

Самарқанд шаҳрининг «Сартепа» массивидаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактаби фойесидаги истеъдодли ёшлар яратган янгиликлар кўргазмаси ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмади. Ижодий изланишни ишлаб чиқаришга татбиқ эта олган иқтидорлар орамизда оз эмаслигига ишончимиз ортди.

Танловнинг барча номинациялари бўйича қатнашаётган ёшлар муайян бир изланиш орқали ҳозирданоқ тилга тушган бўлиб, айнан шунга кўра ҳам сараланганларни танлаш осон бўлмади. Танловнинг «Энг фаол ёш олим» йўналишида Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ассистенти Ҳофиз Пардаев, «Энг фаол ёш шифокор» йўналишида Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Заррина Қурбонова, «Энг фаол ёш спорт мураббийи» йўналишида Самарқанд шаҳар спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Парвиз Воҳидов, «Энг фаол ёш транспортчи» йўналишида Самарқанд автомобилсозлик коллежи автомобилларга техник хизмат кўрсатиш фани ўқитувчиси Фирдавс Шукуров, «Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими» йўналиши бўйича «Жума элеватори» АЖ нон ишлаб чиқариш цехи ишчиси Бунёд Юсупов ғолиблар сафидан жой олди.

***

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг **ХОРАЗМ вилоят** босқичида 50 дан зиёд ёш мутахассис ўз билим ва иқтидорини синовдан ўтказди.

Мисол учун, Ҳикмат Матёқубов Урганч давлат университети «Физика» кафедраси ўқитувчиси. 2011 йилда Ўзбекистон миллий университетининг «Физика» факультетида «Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси» йўналиши бўйича магистрлик диссертациясини ёқлаган.

Бугунга қадар қатор илмий-услубий ишлар қилишга эришди, «Квант механикасидан масалалар» номли ўқув-услубий қўлланмаси чоп этилди. Шунингдек, у республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган анжуман, тадбирларда фаол қатнашиб, бир неча диплом ва сертификатлар билан тақдирланган. Ҳозирда у илмий раҳбарлари билан биргаликда ярим ўтказгичли ва полимерли қуёш элементларида содир бўладиган транспорт жараёнларини назарий ва амалий жиҳатдан жадал ўрганмоқда.

Ҳикмат, ушбу танловда ҳам ўзининг интилувчан, иқтидорли, илмли ёшлардан бири эканлигини намойиш қила олди ва «Энг фаол ёш олим» номинациясида биринчи ўринни қўлга киритди.

Натижаларга кўра, Хива тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўзбек жанг санъати спорти мураббийси Нодирбек Турдиев «Энг фаол ёш мураббий», «Тилло домор» хусусий корхонаси пишлоқ тайёрловчиси Фарҳод Тожимуродов «Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими», «Хоразм троллейбус бошқармаси» раҳбари Руслан Рўзметов «Энг фаол ёш транспортчи», Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали факултети ва госпитал жарроҳлиги кафедраси ассистенти Сардор Ҳайитбоев «Энг фаол ёш шифокор» номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритди.

***

Барча ҳудудларда танлов ғолиб ва совриндорлари диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ғолиблар танловнинг кейинги босқичида иштирок этади.

**Ўз мухбирларимиз**

⇖(1).

Шунингдек, Избоскан туманидаги «Жонобод заминдори» фермер хўжалиги раҳбари Азизбек Даминов «Энг фаол ёш фермер», Андижон давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси Суҳроб Алиев «Энг фаол ёш олим», чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик тижорат банки кредитлаш департаменти мутахассиси Шуҳратбек Қосимов «Энг фаол ёш банк ходими», Бўз тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўзбек жанг санъати бўйича мураббийи Фозилжон Юнусов «Энг фаол ёш спорт мураббийи», Андижон давлат тиббиёт институти «Акушерлик ва гинекология» кафедраси ассистенти Садоқат Шокирова «Энг фаол ёш шифокор» сифатида кейинги босқичда қатнашадиган бўлди.

Тақдирлаш маросими вилоят санъаткорлари иштирокидаги концерт дастурига уланиб кетди.

***

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёшларнинг билим олиши, эркин касб танлаши, илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориши йўлида яратиб берилаётган шароит ва кенг имкониятлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг **ҚАШҚАДАРЁ вилоят** босқичини кузата туриб, бунга яна бир карра амин бўлдик.

Эътироф этиш жоизки, мазкур танлов орқали вилоятнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган ташаббускор ва фаол ёш мутахассисларни кашф этиш, етук мутахассис бўлиши йўлидаги интилишларини ривожлантириш, янги лойиҳа, инновацион ғоя ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш йўлида муҳим қадам ташланди. Жорий йил май-июн ойларида 100 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларда турли йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланганди. Танловнинг вилоят босқичида 68 нафар ёш мутахассис иштирок этди.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси Нодир Қўзиев (Энг фаол ёш олим), Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали болалар хирургияси бўлими шифокори Беҳзод Гелдиев (Энг фаол ёш шифокор), «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки Қарши филиали бош бухгалтер ўринбосари Инъомжон Узоқов (Энг фаол ёш банк ходими), Нишон транспорт касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси Рўзимурод Баратов (Энг фаол ёш транспортчи), вилоят дзюдо федерацияси мураббийи Фозил Холбозоров (Энг фаол ёш спорт мураббийи) ҳамда «Жейнов чорвадори» МЧЖ сутни қайта ишлаш цехи иш бошқарувчиси Гуландом Расулова (Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими)лар кейинги босқичга чиқишди.

Тақдирлаш маросими асноси иштирокчилар учун маданий тадбир ташкил этилди.

***

Ёшликни шижоат фасли дейишади. Шижоат-ла безанган давр ўрганишга, ўз ишининг устаси бўлиш учун интилишга сарфланса, келажакнинг порлоқлиги таъминланиши шубҳасиздир. **НАМАНГАН вилоят** касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида жамулжам бўлган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови совриндорларидан бу борада кўнгилни тўқ тутиш мумкин.

## Сўз – ғолиб ва совриндорларга

**Фозил ХОЛБОЗОРОВ,**
**«Энг фаол ёш спорт мураббийи» йўналиши ғолиби**
**(Қашқадарё вилояти):**

— Касаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ёшларни ўз устида ишлашга, интилишга ундайди. Янгидан-янги ишланма ва тадқиқотлар бўйича изланишга рағбат уйғотади. Эътиборли томони, бу танловда иштирок этаётган ёшлар йилдан-йилга ортиб бораётганидир. Бу ёш авлод касб сирларини ўрганишга астойдил киришгани, фаоллик борасида пешқадам бўлиб, дунё ҳавас қиларли натижаларни қўлга киритишга ўта иштиёқманд эканидан далолатдир.

**Зафар ШОИМОВ,**
**«Энг фаол ёш шифокор» йўналиши ғолиби**
**(Сирдарё вилояти):**

— Касаба уюшмалари меҳнат аҳлининг доимий кўмакчиси бўлган. Унда бирлаштирувчилик салоҳияти мужассам. Ўзим ишлаётган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалида касаба уюшмаси фаолияти сўзимга исбот. Ташкил этилган танлов касбимизга нисбатан фахр туйғусини шакллантириши, олиб бораётган фаолиятимизга қанот бахш этиши шубҳасиз.

**Фарҳод ТОЖИМУРОДОВ,**
**«Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими»**
**йўналиши ғолиби (Хоразм вилояти):**

— Ўн йилдан буён «Тилло домор» хусусий корхонасида фаолият кўрсатиб келаман. Биз тайёрлаётган маҳсулотлар мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги озиқ-овқат дўконларидан жой олиб, харидорларга манзур бўлмоқда. Корхонамизда 50 дан зиёд ёшлар ишлайди. Аксарияти касб-ҳунар коллежи битирувчилари. Турмуш ўртоғимни ҳам ушбу даргоҳда топганман. Биз каби ёшлар учун корхона ётоқхонасидан жой ажратилган. Бундан буён ҳам ўз устимда янада кўпроқ изланишга, пишлоқнинг янги турларини кашф қилиб, элимизга тортиқ қилишга ҳаракат қиламан.

**Жаҳонгир АҲМАДАЛИЕВ,**
**«Энг фаол ёш олим» йўналиши ғолиби**
**(Андижон вилояти):**

— Фарғона водийси шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харидорларга етказиб беришда электрон тижорат усулини амалиётга татбиқ этиш бўйича изланиш олиб бораман. Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, таклиф этилаётган қишлоқ хўжалиги экинларини электрон дастурга 3D кўринишида жойлашни йўлга қўйяпмиз. Бу тадбиркорликни янада ривожлантириш, хорижлик ҳамкорларни излаш ва улар билан алоқани йўлга қўйишда қулай усул бўлиб, маҳсулот ҳақида олисдаги харидорда тўлиқ тасаввур уйғотади. Бундан ташқари, маҳсулотни етказиб бериш ва сақлашнинг янги моделларини ўрганяпмиз.

**Иқласбой ТУРИМБЕТОВ,**
**«Энг фаол ёш банк ходими» йўналиши совриндори**
**(Қорақалпоғистон Республикаси):**

— Тезкор ривожланаётган замонда билим ва кўникмаларни мунтазам равишда ўзлаштириб ва ўрганиб боришни вақтнинг ўзи тақозо этади. Яқинда Тошкентда малака ошириб қайтдим. Фаолият юритишимиз учун барча шароит бор. АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Чимбой филиалида замонавий терминаллар билан жиҳозланган хона ва сайёр кассаларда тенгдошларим фаолият кўрсатмоқда. Ходимларимиз малакасини ошириб бориш доимий эътиборда. Мазкур танлов ёш кадрларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

**РЕКЛАМА**

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

**АО «Навои ПТЭС»**
**ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ**

По объекту: «**Строительство учебно-тренировочной базы Навойской областной Федерации «ROWING&CANOE» на территории городского озера «Ёшлар кули» в г.Навои».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 373 014 456 сум, с НДС 447 617 347 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **5 месяцев.**

Заказчик **АО «Навои ПТЭС».**

Расположенный **г.Навоий, ул.Низомий-22.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет собственных средств АО «Навои ПТЭС».**

***(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)***

ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области

**ОБЪЯВЛЯЕТ**
**КОНКУРСНЫЙ ТОРГ**

По объекту: **«Капитальный ремонт автомобильной дороги 4Н369 «Маликчуль-Маликрабод-Тавоис-Арабхона-Булокрабод на участке 7 – 10 км»».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 2 080 826 949 сум, с НДС 2 496 992 338 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **120 дней.**

Заказчик **ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий 63.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств республиканского дорожного фонда.**

***(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)***

К конкурсным торгам допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций,

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

**При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.**

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навойской области** по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98. Стоимость одного комплекта документов 150 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98.

**Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.**

Вскрытие оферт состоится по адресу по объекту «Строительство учебно-тренировочной базы Навойской областной Федерации «ROWING&CANOE» на территории городского озера «Ёшлар кули» в г.Навои» г.Навоий, ул.Низомий-22, по объекту «Капитальный ремонт автомобильной дороги 4Н369 «Маликчуль-Маликрабод-Тавоис-Арабхона-Булокрабод на участке 7 – 10 км»» г.Навои, ул.Х.Дустлиги 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

**Услуги лицензированый.**

*Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!*

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т.р. | Объект номи | Бошланғич қиймат млн. сўм: ҚҚС сиз | ҚҚС билан | Ишларни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|---|
| Лот № 1: | | | | |
| Лот № 1-1 | "Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги давлат нотариал идорасининг янги биноси қурилиши" | 289 767,783 | 347 721,339 | 2016 йил 1 октябригача |
| Лот № 1-2 | "Жиззах вилояти Зомин тумани Даштобод шаҳридаги давлат нотариал идорасининг янги биноси қурилиши" | 323 452,212 | 388 142,654 | |
| Лот № 1-3 | "Жиззах шаҳридаги вилоят адлия бошқармасининг биносини капитал таъмирлаш" | 180 918,913 | 217 102,695 | |

Молиялаштириш **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

Буюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри, Тўқимачилар кўчаси, 2-уй.

Телефон: (0372) 223-52-00. Факс: (0372) 223-55-41.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция ишлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 % ни ташкил қилади.

**Ушбу объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.**

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах ш, Х. Дўстлиги шох кўчаси, Medstar клиникаси ёнидаги бино. Тел/факс: 226-14-66.

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати - оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш., Тўқимачилар к-си, 2-уй (вилоят адлия бошқармаси биноси), мажлислар зали.

**Хизматлар лицензияланган.**

**«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ 2016 йил июн ойида ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасини маълум қилади!**

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳарбий техник мутахассисларни тайёрловчи Янгийўл автомобил мактабига қарашли Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 1-уйда жойлашган «Автомактаб бино-иншоотлари»ни бир қисмини, яъни 1,11 га ер майдонида жойлашган (0009-литер Ётоқхона биноси, 0010-литер Ҳаммом биноси, 0011-литер Бостирма, 0015-литер Ёнилғи-мой тарқатиш биноси, 0016-литер Ёнилғи-мой тарқатиш биноси, 0017-литер Ҳожатхона) бино-иншоотлари, бошланғич баҳоси — 762 696 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 991 510 000 сўм.

**Хизматлар лицензияланган. RR – №0008.**

Матбуот анжумани

# Бахтиёр болалар мамлакати



**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Миллий матбуот марказида болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумининг бориши тўғрисида анжуман ташкил этилди. Унда Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Тешабоев жорий йилги соғломлаштириш мавсумининг бориши, болаларни дам олдириш борасида амалга оширилаётган янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берди.**




### ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Анжуманда таъкидланганидек, Ватанимиз мустақиллигининг илк давридан ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ёш авлоднинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистоннинг ҳар томонлама баркамол ривожланган авлод тарбияси борасидаги тажрибаси халқаро экспертлар ва нуфузли ташкилотлар томонидан мунтазам эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, давлат ва жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари ҳамда имкониятларини болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштиришни таъминлашга биргаликда йўналтириш амалиёти бошқа мамлакатларда учрамайди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси» талаблари асосида мавсумни намунали ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш ишлари мувофиқлаштириб келинмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «2016 йилги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ва бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш» мавзуига бағишланган ўқув-услубий семинарлар ташкил этилиб, соғломлаштириш жараёнига жалб этилган барча ходим ва мутахассисларнинг билим ва кўникмалари оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 мартдаги 34-сонли баёнига мувофиқ ҳар бир ҳудудда мавсумни юқори савияда ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилди. Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи негизида бир қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилигида тузилган Ишчи гуруҳлари ўз фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда аниқ вазифаларни амалга оширди.

### ХАВФСИЗЛИК — БОШ ОМИЛ

Оромгоҳларда болажонларнинг ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлаш масаласи устувор вазифалардан бўлиб, шу мақсадда ҳар бир оромгоҳда ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги, тиббиёт, энергетика, коммунал соҳа ходимларининг туну кун навбатчилиги ўрнатилган. Хусусан, оромгоҳларга 1 минг 500 нафардан ортиқ ички ишлар идоралари ходимлари бириктирилиб, уларга хизматда фойдаланиш учун автотранспорт ва алоқа воситалари ажратиб берилди.

Оромгоҳларга олиб борувчи 3 минг 801 км. асосий ва ички йўллар инвентаризациядан ўтказилиб, бугунги кунга қадар 279 та йўл белгилари ўрнатилган. Йўналтирувчи устунчалар янгиланди, муҳофазаловчи тўсиқлар, темир йўл кесишмалари таъмирланди.

Болалар саломатлигини мунтазам назорат қилиб бориш учун 3350 нафар тиббиёт ходими, 400 нафардан ортиқ СЭС мутахассислари жалб этилди. Шунингдек, ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларидан тез тиббий ёрдам машиналари бириктирилиб, оромгоҳлар белгиланган миқдордаги дори-дармон, махсус зардоб дори воситалари билан таъминланди.

Оромгоҳларга етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, уларнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бериши ҳам қатъий назоратга олинган. Таомномалар хилма-хиллиги оширилди, уларга фиточойлар киритилди. Барча оромгоҳлар зарур алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланди.

### ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ИМТИЁЗЛАР КЎЛАМИ КУЧАЙДИ

Мавсумда эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган ижтимоий ҳимояталаб ходимлар фарзандларини имтиёзли соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати натижасида жорий йилда режадаги 292 минг нафардан ортиқ боланинг деярли барчаси имтиёзли соғломлаштириляпти. Чунки, ишловчи ота-оналар ўзлари меҳнат қилаётган корхона, ташкилот ва муассасалар касаба уюшма қўмитаси орқали жамоа шартномаси асосида йўлланма нархининг ўртача 30 фоиз миқдоридаги қийматини тўлайди. Ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларига эса бепул ва имтиёзли асосларда йўлланмалар ажратилмоқда. Бундай имтиёздан бу йил жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг 40 минг нафардан ортиқ фарзандлари фойдаланади.

Давлатимизнинг алоҳида ғамхўрлиги натижасида Оролбўйи минтақасидан 4 500 нафар болажон Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда бепул дам олдирилиши билан бирга, уларнинг йўл харажатлари ҳам имтиёзли ташкил этилмоқда. 29 июн ҳолатига 1830 нафар Оролбўйи болаларининг ҳордиқ чиқариши таъминланди. Бугунги кунда қизғин бораётган мавсумнинг 2-навбатида 1000 нафар қорақалпоғистонлик ва хоразмлик болажон мароқли дам олмоқда. Шунингдек, «Меҳрибонлик» уйларининг 2 минг нафар тарбияланувчиси, 50 нафар жисмоний имконияти чекланган болалар Федерация Кенгаши томонидан бепул дам олдирилмоқда. Федерация Кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида маҳаллалардаги эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояталаб оилаларнинг 1000 нафар (режа 600 нафар) фарзанди бепул соғломлаштирилди. Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларидан 100 нафар болажоннинг ҳам шундай имтиёздан фойдаланиши таъминланди. Бундан ташқари, болаларни соғломлаштириш билан қамраб олиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида касаба уюшмалари тизимидаги «Турон», «Чинобод», «Ботаника», «Бўстон», «Оқтош», «Косонсой», «Чортоқ», «Чимён», «Зомин» ва «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийларида «Она ва бола» йўлланмалари асосида 2400 нафардан ортиқ болажон ота-оналари билан биргаликда соғломлаштирилиши режалаштирилган. Бугунги кунгача шу турдаги йўлланмалар асосида санаторийларда 1067 нафар она ва бола биргаликда ана шундай имкониятдан фойдаланди.

### ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОРОМГОҲЛАР

Анжуманда ихтисослаштирилган оромгоҳларга катта эътибор қаратилаётгани эътироф этилди. Хусусан, ҳар бир ҳудудда Интеллектуал ривожлантириш, Ҳарбий-спорт, Ижтимоий-мослашув, Экологик-биологик, Ўлкашунослик, Техник ижодкорлик, Бадиий ижодкорлик, Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Ихтисослашган йўналишлар бўйича дастурлар қайта кўриб чиқилиб, чет тиллари бўйича ўқув дастурлари кенгайтирилди. Ҳар бир йўналиш бўйича услубий қўлланмалар лойиҳалари тайёрланди ва кўпайтирилиб, оромгоҳларга етказиб берилди. Уларга болалар қизиқиши ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда жалб қилинмоқда. Масалан, «Қуёшли» оромгоҳида республика «Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳи ташкил этилиб, унда «Билимлар беллашуви» ҳамда фан олимпиадалари ғолиби бўлган 500 нафар бола устозлари билан биргаликда Федерация Кенгаши томонидан бепул соғломлаштирилмоқда. Мавсумнинг 1-навбатида 250 нафар иқтидорли бола дам олдирилган бўлса, 2-навбатда яна 250 нафар билимдон ўқувчининг дам олдирилиши таъминланади. Бу турдаги оромгоҳларда бир ёки бир нечта фанлар, хорижий тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилади. Турли фанлар йўналишларида табиат қўйнида маҳорат дарслари ташкил этилиб, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиёт ва санъат намоёндалари, фан арбоблари билан давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилади. Худди шу турдаги оромгоҳлар республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилгани, айниқса, таҳсинга лойиқ.

### «МЕҲНАТ ВА ДАМ ОЛДИРИШ» ОРОМГОҲЛАРИ

Ўсмир ёшидаги ўғил-қизларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари, маҳаллий ҳокимликлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказлари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари ҳамкорлигида ҳудудларда 140 та «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳи ташкил этилди. Мазкур турдаги оромгоҳларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 15-18 ёшдаги ўқувчилари мазмунли ҳордиқ чиқариш билан бирга ижтимоий фойдали меҳнат кўникмаларини ҳам ўзлаштирди. Улар ўзлари танлаган касб-корлари бўйича амалиёт машғулотларини ўтди. Бунда ўқувчилар меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни маош билан таъминлаш тажрибаси ҳам йўлга қўйилди. Бугунгача ҳудудларда ташкил этилган «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳларида 5930 нафардан ортиқ ўсмир ҳордиқ чиқарди.

Шунингдек, анжуманда Ҳарбий-спорт, Экологик-биологик ва Ўлкашунослик, Техник ижодкорлик, Бадиий ижодиёт, Ижтимоий мослашув оромгоҳларида ҳам болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда ўз йўналишларида билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга кўмаклашилаётгани, уларда етакчилик ва фаолликни, ижтимоий мослашув кўникмалари шакллантирилиб, қўшимча таълим-тарбия берилаётгани ҳақида қизиқарли маълумотлар берилди.

## Жараён — рақамларда

▶ Соғлом она ва бола йилида мамлакатимиз миқёсида 1 минг 204 та оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилди. Оромгоҳлар сони ўтган йилга нисбатан 55 тага кўпайди. Улардан 213 таси стационар, 851 таси кундузги, 140 таси Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳларидир.

▶ Ушбу оромгоҳларда 292 минг 46 нафар, шу жумладан, стационар оромгоҳларда 153 минг 861 нафар, кундузги оромгоҳларда 138 минг 185 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Бу болаларни соғломлаштириш қамрови 5 минг нафарга ортганлигини англатади.

▶ 29 июн ҳолатига республика бўйича 211 та стационар оромгоҳда 75 минг 896 нафар, 861 та кундузги оромгоҳда 114 минг 253 нафар, жами 190 минг 149 нафар бола соғломлаштирилиб, белгиланган режанинг қарийб 65, 1 фоизи бажарилди.

▶ Мавсумда республикамиз ҳудудларида 15 та интеллектуал ривожлантириш, 14 та экологик-биологик, ўлкашунослик, 14 та техник ижодкорлик, 14 та бадиий ижодиёт, 7 та ижтимоий мослашув («Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари учун) ихтисослаштирилган оромгоҳлари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 140 та «Меҳнат ва дам олдириш» оромгоҳлари ишлаб турибди.



### ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР СИФАТИ

Анжуманда оромгоҳларда ҳордиқ чиқариш мазмуни бойитилиб, таълим-тарбия ишлари сифати оширилишига эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Барча оромгоҳлар кутубхоналари Президентимиз асарлари, бадиий адабиётлар, зарур жиҳозлар, миллий истиқлол руҳи акс этган турли мавзулардаги плакат, баннер ва байроқчалар билан таъминланди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан оромгоҳлар фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган таҳлиллар натижасида ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари учун болаларга мос қўшиқ, шеър ва мусиқаларга эҳтиёж мавжудлиги аниқланган эди. Жорий йилнинг февраль-апрель ойларида Федерация Кенгаши томонидан шундай асарларни яратиш бўйича Республика ижодий танловига тақдим этилган ижодий ишлар орасидан танлаб олинган мусиқий ҳамда бадиий асарлар оромгоҳлардаги тарбиявий ишлар сифати ва самарадорлигини янада оширишга йўналтирилди. Яъни, оромгоҳларда миллийлик ҳамда ватанпарварлик руҳига йўғрилган куй ва қўшиқлар, филмлардан фойдаланиш мақсадида улар асосида барча оромгоҳлар учун болаларбоп шеър, куй ва қўшиқлардан иборат дисклар, «Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари учун тадбирлар сценарийлари» тўпламлари ишлаб чиқилиб, дам олиш масканларига етказилди.

Махсус тайёрланган услубий қўлланмалар, тавсиялар барча оромгоҳлар фаолиятини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Оромгоҳлар болалар учун махсус яратилган 42 номдаги бадиий, ҳужжатли ва мултипликацион филмлар билан таъминланди.

23 минг нафардан ортиқ малакали педагог кадрлар, етакчилар, спорт йўриқчилари, тўгарак раҳбарлари, чет тиллари мутахассислари, маданият ходимлари болалар иқтидорини ривожлантириш, маънавиятини юксалтириш, улар онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдириш йўналишларида фаолият олиб бормоқда. 10 дан ортиқ, шу жумладан, чет тилларини ўргатиш бўйича махсус тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди.

Ишчи гуруҳлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган махсус дастур асосида оромгоҳларга театрлар, ижодий жамоалар, адиблар, шоирлар, рассомлар ташрифлари уюштирилиб, болалар учун маданий-тарбиявий тадбирлар, турли лойиҳа ва акциялар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Ҳар бир оромгоҳда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, акциялар ташкил этилмоқда. Хусусан, «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати», «Касаба уюшмалари — болаларга» акциялари барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

### МУСТАҲКАМ МОДДИЙ-ТЕХНИК НЕГИЗ

Республика Ҳукумати даражасида ҳар йили тасдиқланаётган Оромгоҳларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича Манзилли дастурлар мамлакатимизда ёш авлод камолотига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳар мавсумда Республика миқёсида 50 га яқин оромгоҳнинг моддий-техник негизи мустаҳкамланмоқда. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. 2012 йилдан буён 9 та оромгоҳ янгидан қурилди, 27 та оромгоҳда реконструкция ишлари амалга оширилди ва 45 та оромгоҳ капитал таъмирланди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида «Ниҳол», Навоий вилоятида «Ишонч», Наманган вилоятида «Камалак», «Норин», Самарқандда «Чорчинор», Хоразмда «Шодлик», Қашқадарёда Мирзо Улуғбек номли, Сурхондарё вилоятида «Хонжиза» каби оромгоҳлар, Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан Жиззахда «Истиқлол», Ички Ишлар вазирлиги томонидан Бўстонлиқ туманида «Оқтош», «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан Жиззахда Амир Темур номли оромгоҳлар барпо этилди. Мазкур бунёдкорлик ишлари натижасида, оромгоҳлардаги ўринлар сони қарийб 5 мингтага кўпайди.

2015 йилги Манзилли дастурга мувофиқ 27 та оромгоҳда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Маҳаллий ҳокимликлар, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2016 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Манзилли дастур лойиҳасига мувофиқ эса 41 та оромгоҳда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилгани ҳолда жорий йилги мавсумда Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Сурхондарё вилоятида «Бешбулоқ-Сурхон-Шеробод», Хоразмда «Автомобилчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, Давлат Солиқ қўмитаси томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида «Баркамол», «Асака» Акциядорлик тижорат банки томонидан Тошкент вилоятида «Асака» оромгоҳлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида, оромгоҳлардаги ўринлар сони яна 450 тага кўпайди.

### СОҒЛОМЛАШТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ШТАБ

Эътироф этилганидек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида ҳамда ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида мавсумнинг боришини доимий мувофиқлаштириб борувчи махсус Штаб фаолияти йўлга қўйилган. Федерация Кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан ташкил топган Ишчи гуруҳлари томонидан ҳар бир ҳудуддаги оромгоҳлар фаолиятини ўрганиш ва жойида ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилаётир. Ишчи гуруҳлар таҳлили жойлардаги соғломлаштириш ишлари сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатаётир.

Анжуман доирасида журналистлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олишди.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

---

Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганамиз




**Мамлакатимиз автомобил йўлларида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлилини кўздан кечирар эканмиз, бундай кўнгилсиз ҳолатлар баъзан болалар иштирокида юз бераётганига гувоҳ бўламиз. Бу эса хавфсиз ҳаракатланиш талабларини уларга кўпроқ ўргатиб бориш зарурлигидан далолат беради.**

## «Яшил чироқ» ғолиблари аниқланди

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили даврида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, ўқувчиларга «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўргатиб бориш, шунингдек, тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш, ўғил-қизлар билан мавзуга оид учрашув ва суҳбатлар ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ томонидан махсус «Таътил» профилактик тадбирини ўтказиш режаси ишлаб чиқилди.

Ушбу режага асосан барча оромгоҳларга ДЙҲХХ ходимлари бириктирилиб, оромгоҳларда ҳаракат хавфсизлиги бурчаклари ва автомайдончалар ташкил қилиш, уларни «Йўл ҳаракати қоидалари» китоби, ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи турли хил расмлар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозлаш, ёш автоназоратчилар гуруҳларини ташкил этиш, улар ўртасида турли хил мусобақа ва викториналар ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириш, оромгоҳга бормаган болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирокида учрашувлар ўтказиш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва «Автоҳамроҳ» журнали томонидан «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Яшил чироқ» мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарор ишлаб чиқилди. Унга кўра мусобақа тўрт босқичда ташкил этилди.

Жорий йилнинг 22-24 июн кунлари Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида жойлашган «Шабода» болалар оромгоҳида «Яшил чироқ» мусобақаларининг республика босқичи бўлиб ўтди. Иштирокчилар «Пиёдалар ҳаракати», «Ҳаракатни тартибга солиш», «ЙТҲда жароҳатланганларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш», «Ёш велосипедчи», «ЙҲҚдан назарий имтиҳон», «Макет ясаш», «Радио тўлқинлари орқали бошқариладиган транспортлар ҳаракати», «Тарғибот гуруҳларининг чиқиши» каби 10 тур бўйича ўзаро мусобақалашди.

Мусобақа якунига кўра, Навоий вилояти Кармана туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг «Ёш автоназоратчи» жамоаси олий ўрин, Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани 17-умумий ўрта таълим мактабининг «Ёш автоназоратчи» жамоаси 1-ўрин, Наманган вилояти Косонсой тумани 26-умумий ўрта таълим мактабининг «Ёш пиёда» ва Сурхондарё вилояти Денов тумани 15-умумий ўрта таълим мактабининг «Ёш куч» жамоалари 2-ўрин, Қарши шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг «Ойдин йўл» ҳамда Тошкент шаҳар Сергели тумани 8-умумий ўрта таълим мактабининг «Ўзбекистон ёшлари» жамоалари 3-ўринни қўлга киритишди.

Ғолиб жамоаларга вазирлик ва ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Акмал ЮНУСОВ,**
**ИИВ ЙҲХББ инспектори**

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 21:45
Topshirildi — 22:45

2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 715.
14075 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133